

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
33-сонли **ШАРТНОМА**

7 январь 2022 йил

Тахياتош тумани

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Тахياتош нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи жамият директори П.А.Бабаназаров бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Кегейли тумани ҳокимлиги номидан устав асосида иш юритувчи туман ҳокими ўринбосари М.Ниязов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар ўзаро келишилган ҳолда маълум давр (ойлик, чорақлик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг қуйидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдор	Суммаси	Шу жумладан чорақлар бўйича			
						I	II	III	IV
Автобензин	АИ80	тонна	10732614,00	0,46	4937002,44	0,46	0,0	0,0	0,0
Жами:				0,46	4937002,44	0,46	0,0	0,0	0,0

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 15% ҚҚС ҳисобланган ҳолда **4937002,44** (тўрт миллион тўққиз юз ўттиз етти минг икки) сўм 44 тийинни ташкил қилади.

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан нефт маҳсулотларини нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади. «Етказиб берувчи» нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда янги шаклланган нархлар қўлланилади ва ушбу янги нархларга боғлиқ шартноманинг киймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи»томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар «Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли хужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эғалик ҳукуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни қафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торгганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«Тахياتош нефт базаси» МЧЖ

Манзили: ҚР Тахياتош тумани

Қорақолпоғистоннинг 50 йиллиги кучаси 5 уй

х/р: 2260 4000 4042 6871 2701,

Банк: ЎзСаноатқурилишбанк Тошкент ш.

Яшнобод филиали

ИНН: 204 592 009, МФО: 00432,

тел: (361) 224 97 78 факс: (361) 572 12 64,

Директор:

П.А.Бабаназаров

Ички сотиш бўлими

Ҳуқуқшунос:

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Қабул қилинган қарорнинг асосида
Ф.И.О. Исмоил Р.Н. Ҳ. Қарашлиқ 24
Ҳ. 23402000 300 0000000
Ҳ. 10000280035212 201120408001
ИМН 200302518 2020 00014
Қарашлиқ банк қарорига ас
Ҳ.Ф.Р. Исмоил Р.Н. Ҳ. 201122909

Қарор қабул қилинган 2022 йил 24
Б.И. 2022 йил 24
Қарор қабул қилинган 2022 йил 24